

Ж.Бўранов, ТМИ магистранти

КОРХОНА ИННОВАЦИОН БОШҚАРУВ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ

Мазкур мақолада инновациянинг аҳамияти, инновацион бошқарувнинг ўзига хос жиҳатлари тадқиқ этилган. Инновация жараёнлари ва турлари ўрганилган. Таҳлиллар асосида инновацион бошқарувни қўллашга доир таклифлар келтирилган.

Калит сўзлар: инновацион бошқарув, инновацион жараёнлар, инновацион менежмент, инновацион стратегия, инновация.

В этой статье рассматривается важность инноваций и особенностей инновационного менеджмента. Изучены инновационные процессы и типы. На основе анализа предлагаются рекомендации по использованию инновационного управления.

Ключевые слова: инновационный менеджмент, инновационные процессы, инновационный менеджмент, инновационная стратегия, инновация.

This article examines the importance of innovation and the features of innovative management. Innovative processes and types are studied. Based on the analysis, recommendations on the use of innovative management are proposed.

Key words: innovative management, innovative processes, innovative management, innovation strategy, innovation.

Республикамизда амалга оширилаётган кенг қамровли ижтимоий иқтисодий ислохотлар бугунги кунда хўжалик субъектлари томонидан бошқарув тизимини замонавий механизмлар асосида такомиллаштиришни талаб этади. Бу эса, бир томондан хўжалик фаолиятини демократлаш-тириш ва бошқарувнинг барча бўғинларида бозор муносабатларининг тамойилларига асосланган хўжалик юритишнинг янги замонавий усулла-рига секин-аста ўтиш зарурияти билан боғлиқ бўлса, иккинчи томондан иқтисодий усуллар ёрдамида бутун хўжалик муносабатлари тизимини бозор шарт-шароитларига мос равишда давлат томонидан тартибга солиш тизимини такомиллаштириш билан асосланади. Бозор муносабатлари шароитида, долзарб муаммоли масалаларни, рўй берадиган ўзгаришлар ва юзага келиши мумкин бўладиган имкониятларни олдиндан кўра олиш, хўжалик сиёсати ва стратегиясини ишлаб чиқиш ва ушбу ўзгаришларга янгича услуб, янгича техника - технология орқали бошқариш давр талабидир.

Корхона мақсадига эришиш воситаларидан бири инновацион стратегиядир. У корхона ички ва ташқи муҳити ўзгаришига нисбатан таъсир чораси кўрсата олиши билан характерланади. Шу нуқтаи назардан, корхонада инқироз ҳолати юзага келганда дастлабки эҳтиёж сифатида инновацион стратегияни ишлаб чиқиш зарурий тадбир ҳисобланади. А.А.Беляев ва Э.М.Коротковнинг фикрича, инновация инқирозга қарши бошқарувдаги зарурий элемент ҳисобланади [4].

Дастлабки ёндашувларда инновацияга ижодий фаолият билан боғлиқ бўлган жараён деб қаралган. У иррационал, ташкил этилмаган моделда ўз ифодасини топиши мумкин бўлган “қора кути”, деб тушунилган[5]. Йиллар ўтгач, илмий салоҳият ва техника ривожланиши, технологик жараёнлар такомиллашуви натижасида инновациянинг бир қанча модел-лари юзага келди. Ушбу моделлар корхонанинг хусусиятлари, макро-иқтисодий муҳитига боғлиқ равишда фарқланади.

А.В.Зубковнинг фикрича, инновациялар қуйидаги турларга бўлинади:

- маҳсулот инновацияси;
- технологик инновация;
- жараёнга оид инновация;
- ташкилий инновация [3].

Маҳсулот инновацияси янги маҳсулот яратиш ёки ишлаб чиқари-лаётган маҳсулотни такомиллаштиришга боғлиқ.У, шунингдек, технологик инновация билан уйғун ҳолда амалга оширилади. Чунки янги маҳсулот уни ишлаб чиқаришда янги билим ва технологияни талаб қилади.

Жараёнга оид инновация ресурсларни тежаш ҳамда маҳсулот сифатини оширишга қаратилган бўлиб, унинг натижасида ишлаб чиқариш қувватини ошириш ҳам кўзда тутилади.

Ташкилий инновация корхонани янги даражага олиб чиқиш ва самарадорликка эришиш мақсадида корхона ташкилий тузилмасини такомиллаштиришга йўналтирилади.Р.Гимуш ва Ф.Матмуродов инновация жараёнини 2 турга ажратиб кўрсатган: етакчи (пионер) ва қувувчи.

Пионер типдаги инновация жараёни жаҳонда етакчиликка эришиш учун чегарани англатади (АҚШ мисолида).

Қувувчи инновация жараёни арзон ва тез натижа берувчи ҳисобланиши билан тавсифланади (масалан, Япония).

Ж.Қамбаров ва Н.Маҳмудованинг фикрича, инновацияни бошқариш корхонанинг белгиланган инновация стратегиясини амалга оширишга қаратилган инновация лойиҳаларини ишлаб чиқиш, ташаббусларни қўллаб-қувватлаш, техник-технологик янгиликларни жорий этиш, бошқа-рувга

янгиликлар киритиш орқали ишлаб чиқаришни кенгайтириш, режалаштириш, мотивация, назорат қилиш жараёнларидан иборатдир.

Корхона бошқарувида инновацияларни қўллаш корхоналарнинг самарали фаолият юритишига хизмат қилади. Ушбу инновацияларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

- бизнес интеллектни ташкил этиш (маълумотлар миқдори чеклан-маган шароитда бизнес юритилишининг барқарорлигини ва корхона фаолиятининг барча турлари самарадорлигини бирлаштирувчи иннова-цион технологиялар);

- бизнес узлуксизлиги концепциясини татбиқ этиш (Business Continuity Management -бизнес жараёнларининг узилишларига самарали таъсирланувчи, зарарнинг камайиши ва харажатларнинг қисқаришига имкон берувчи инновацион технологиялар);

- бошқарув бўйича маркетинг стратегиясини қўллаш (эскиларни реконструкция қилиш ёки янги маркетинг воситаларини, маркетинг тадқиқот активлар, бренд-капитал яратиш.

Инновацион менежмент – ташкилий иқтисодий, психологик, ижтимоий услублар, инновацион жараённинг барча босқичлари бошқарувининг усуллари йиғиндисидир. Шунингдек, бошқарувда ўзгаришларни қўллашдир. Фикримизча, ушбу жараёнларни қуйидагича акс эттириш мумкин (1-расм.)



1-расм. Инновацион менежментни амалга ошириш соҳалари схемаси

Янгилик асосида бошқарувнинг техник доираси меҳнат воситалари, жиҳоз ва ускуналар, алоқа воситаларини ўз ичига қамраб олади. Технологик доирага технологик жараёнлар, хомашё, кадрлар малакаси, ноу-хау кабилар киради. Ижтимоий-иқтисодий доирада меҳнатнинг ташкил этилиши, ижодий салоҳият, ташкилот маданияти, таъминот унсурларига эътибор қаратилади.

Бошқарув доираси қарор қабул қилишнинг янги усуллари, ташкилий тузилмаси, ходимларни рағбатлантириш, кадрларни бошқариш каби омилларни ўз ичига олади.

Инновацион жараёнларни таъминловчи ресурслар, ташкилий тузилма-лар турлича бўлиши мумкин. Булар жумласига технополислар, йирик корпорацияларнинг лабораториялари, кўргазма савдо комплексларининг ташкилий шакллари, инновацион марказлар, бошқарув ва ташкилий масала-лар бўйича консультация фирмалари киради. Ушбу ресурслар бозор иқтисодиёти шароитида фан-техника ривожланиши натижасида ривожланиб бормоқда.

Давлат томонидан инновацион фаолиятни рағбатлантириш қуйидаги кўринишларда амалга оширилиш мумкин:

- тўғридан-тўғри молиялаштириш.
- инновация яратувчиларига фойзсиз банк ссудаларни бериш;
- инновацион фондларни яратиш ва уларга имтиёзлар бериш;
- якка тартибда фаолият юритадиган кашфиётчиларга патент тўлов-ларини камайтириш;
- технополис ва технопарклар ташкил этиш;
- давлат томонидан кичик инновацион бизнесга мўлжалли субсидия, дотация ажратиш;
- илмий ишланмалардан тушган фойдага нисбатан имтиёзли солиқ ставкасини белгилаш;
- илмий ускуналар учун импорт божини камайтириш.

Корхонанинг инновацион салоҳияти унинг рақобатбардошлигини кўрсатувчи хусусиятлар сирасига киради. Шу билан бирга, корхонанинг инновацион имкониятлари унга давлат томонидан яратилаётган шарт-шароитлар, давлатнинг инновацион соҳада юритаётган сиёсати ҳам боғлиқ. Шу боис, ривожланган мамлакатлар ўз давлат дастурларида илмий техникани, инновацияни ривожлантиришни, ушбу соҳадаги инфратузилмани яхшилашни мақсад қилиб кўрсатади.

Хусусан, АҚШ илмий техника сиёсатида ривожланган институционал тузилмага эга. Америка илмий фонди ва Америка илмий кенгаши фунда-ментал тадқиқотлар йўналишларини аниқлаб беради. Шунингдек, саноат тармоғи ҳамда университетларнинг илмий техника манфаатларини амалга оширади. Илмий-техник тараққиёт бошқарувида Америка тузилмаси-нинг хусусияти давлатнинг хусусий бизнес билан чамбарчас ўзаро боғлиқ-лигида кўринади[2].

Ушбу ташкилотлар давлат ва хусусий манбалар ҳисобига молиялаш-тирилади. АҚШда ўтказилган тадқиқотлар натижасида сарфланган маблағ ўзининг яхши самарасини бериши аниқланган. Технологик трансфертлар

таъминот ва сотиш миқдорини қўпайтиришга, маҳсулот сифатини оширишга, янги техника, технологияларни қўллашга, ишлаб чиқариш жараёнини яхшилашга, кадрлар малакасини оширишга хизмат қилади.

Илмий ишлар бўйича кенгаш давлатнинг илмий-техник ривожланиш бўйича стратегик йўналишини тавсифлаб беради ҳамда давлат бюджетидан уларга қанч амаблаг сарфланишини аниқлайди. Фан ва техника бошқармаси эса йирик миллий дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш билан шуғулланади. Шунингдек, ушбу доирада Япония тадқиқотларни ривожлан-тириш корпорацияси ҳам фаолият юритади ҳамда янги илмий фирмаларни қўллаб-қувватлаб боради[1].

Фикримизча, мамлакатимизда инновацион менежментнири вожланти-риш бўйича ҳуқуқий асосни шакллантириш зарур. Шунингдек, давлат томонидан инновацион сиёсатни амалга ошириш давомида қуйидаги тадбир-лар амалга оширилиши лозим:

- фундаментал тадқиқотларни ўтказишнинг давлат томонидан қўллаб-қувватланиши;
- илмий-техник ижодиётнинг эркинлиги;
- таълим, илмий-техник фаолиятнинг интеграцияси;
- инновацион фаолият доирасида рақобатни қўллаб-қувватлаш, қулай инновацион муҳит яратиш;
- янги соҳалар учун кадрлар тайёрлаш стратегиясини ишлаб чиқиш;
- халқаро ҳамкорликни ривожлантириш.

Бундан ташқари, ишлаб чиқаришда янги технологияларни жорий этиш, маҳсулот рақобардошлигини ошириш, меҳнат унумдорлигини оширишга қаратилган инновацияни амалда қўллаш бўйича илмий тадқиқот марказ-ларини яратиш орқали иқтисодиётимизнинг барқарор ривожланишига имконият яратилади.

Ишлаб чиқариш жараёнида инновацияларни қўллаш корхонанинг ташқи ва ички муҳитдаги ҳамкорлари билан ишлашдаги янгиликларни қўллашида намоён бўлади. Хусусан, технологик жараёнда бошланғич инвестиция талаб этмайдиган маҳсулот ишлаб чиқариш, таъминотчилар билан ишлашда янгиликлар киритиш, вақтни ва ортиқча харажатларни иқтисод қилиш каби омилларга эътибор қаратиш лозим.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Антикризисное управление: Учебник / Под ред. Э.М. Короткова. -М.: ИНФРА-М, 2003. - 432 с.- (Серия «Высшее образование»). С 244, 246-247.
2. Бабушкина Е.А., Бирюкова О.Ю., Верещагина Л.С.Антикризисное управление.Издательство: Эксмо, 2008. 160-с. С-68-69.
3. Белоус Е.В., Петропавлова Г.П., Антикризисное управление: зарубежный опыт и российская практика. Научный журнал НИУ ИТМО. Серия «Экономика и экологический менеджмент». № 3, 2014.УДК338.24. С-81.
4. Беляев А.А, Э.М.Коротков. Антикризисное управление.учебник. М.: ЮНИТИ, 2011, -311с. С-114.
5. Камбаров Ж.Х., Махмудова Н.Ж. Инкирозга қарши инновацион механизмни такомиллаштириш. Иқтисод ва молия. 2016 й., №4. 72-бет. Б-10.